

УДК: 576.89:616.9

## **ФАСЦИОЛЁЗ ВА ПАРАМФИСТОМАТОЗНИ ЎРГАНИЛИШИ (адабиётлар таҳлили)**

**Даминов А.С.** – вет. ф.д. профессор

**Кулмирзаева М.И.** – магистр

Самарқанд давлат ветеринария медитсиnasi, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада республикамиз яқин ва узоқ хорижий олимларнинг асосий трематодозлар фасциолёз ва парамфистоматознинг эпизоотологик ҳолати, мавсумий динамикаси, тур таркиби, ҳайвонларнинг ёшга боғлиқ ҳолда инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги ҳақидаги адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** трематода, трематодоз, гельминтоз, фасциолёз, дикроцелиоз, парамфистоматоз, каликофороз, гастротилляксиз.

**Кириш.** Республикамиз аҳолисини тўла қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, сут, гўшт ва бошқа чорвачилик хомашёларига бўлган талабини тўлақонли қондириш, чорвачиликни янада рентабелли соҳага айлантириш, аҳолини турмуш даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳайвонларнинг гельминтоз касалликлари бу муаммоларни самарали ҳал этишга маълум даражада тўсқинлик қилмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Йирик ва майда шохли ҳайвонлар орасида кенг тарқалиб бораётган гельминтозлардан фасциолёз ва парамфистоматозлар бўйича адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларга келиш.

**Муаммони ўрганилиш даражаси.** Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Халқаро Эпизоотик Бюро маълумотларига кўра, Дунё миқёсида ҳайвон ва одамларнинг паразитар патологияси орасида трематодозлар инвазияси (фасциолёз, дикроцелиоз, шистосомоз, описторхоз, клонорхоз) чорвачилик ва ер юзи аҳолиси учун глобал биологик хавфли касалликлар қаторига киритилган [21].

Қорамоллар трематодозларидан келадиган иқтисодий зарар ҳайвонларнинг сут ва гўшт маҳсулдорлигини камайиши, мажбурий сўйилиш, зарарланган жигар, ошқозон – ичакларни истеъмолга яроқсизлиги, аборт, насл хусусиятини ёмонлашиши, сут ва гўшт маҳсулотларини сифатини ва энергетик қийматини бир мунча пасайиши билан тавсифланади [8].

Парамфистоматозга носоғлом бўлган худудлардаги яйловларда боқилган ёш қорамол, кўй ва эчкилар 50-100 фоизгача нобуд бўлиши кузатилган [14].

Удмуртия Республикасида 2001-2012 йилларда гельминтологик ёриш йўли билан текширилган қорамолларнинг 2,28 фоиздан 18,4 фоизгача фасциолёз (*F.hepatica*) га чалинганлиги аниқланган [11].

Дастлаб ёш ҳайвонларни парамфистоматоз билан зарарланиши бир ёшгача бўлган ҳайвонларни захкаш, ботқоқ жойларда, канал атрофларидаги

парамфистоматозларга носоғлом худудулардаги яшил майса билан озуклантириш натижасида ҳайвонларни бир вақтнинг ўзида кучли зарарланишга сабаб бўлади. Ҳайвонлар ёшени ошиб бориши билан, трематодаларнинг ҳам миқдори ортиб боради. Юқори даражадаги зарарланиш 3 ёшдан катта ҳайвонларда кузатилган [12].

Россия федерацияси Перм ўлкаси туманларида парамфистоматозга текширилган 19 та туманидан 14 тасида ушбу касаллик қайд қилинган. Копроовоскопия натижаларига кўра инвазия экстенсивлиги 17,9 фоиз, гельминтологик ёриб текширилганда ИЭ23,3 фоизни ташкил этган. Айрим хўжаликларда У 50 фоиздан юқори, ИИ эса ҳайвон бош сонига нисбаттан 412 нусхани ташкил этган [9; 10].

Доғистонда бир ёшгача бўлган бузоқларни парамфистоматоз билан зарарланиши 31,5 фоиз, 1-2 ёшдагилари 65 фоиз, 2-8 ёш ва ундан катталарида 74,2 фоиз, ИИ эса ҳайвон бошига 61,3 -463,5 нусхани ташкил этган. Текислик ва тоғолди зоналарида катта ёшдаги қорамолларда парамфистоматоз билан зарарланиш йил давомида кузатилган бўлса, бузоқларда парамфистоматоз тухумлари биринчи марта август ойида кузатилган. ИЭ 12,1 фоиз, ИИ15,5 ни ташкил этган. Келгуси йил март ойига келиб ИЭ 38,8 фоиз, ИИ 37,5 нусхани ташкил этган [1].

Грузияда қорамоллар парамфистоматозини икки тури қай этилган бўлиб булар *Calicophoron calicophorum* ва *Parmfistom cervi*. Парамфистоматоз билан ўртача зарарланиш 14 фоиз, баъзи участкаларда 46-95 фоизни ташкил этган. ИЭ юқори кўрсаткичи уч ёшдан катта ҳайвонларда қайт этилган [15].

Россия Федерацияси худудларидаги қорамолларни гельминтозларга копрологик текшириш натижаларига кўра, фасциолозни ИЭ 29,1 фоиз, парамфистоматоз 35,7 фоиз, дикроцелиоз 6,3 фиоз, стронгилятоз 49, 5 фоизни ташкил этган [13].

Беларуссия давлатида фасциолёз билан йирик ва майда шохли ҳайвонлар фасциолёз билан юқори даражада инвазияланиш 2005-2009 йилларда Витебский вилоятида 30,75 фоизгача кузатилган, Минск вилоятида эса фасциолёз энг паст даражада қайд этилган. Бунга кўра 2005-2008 – йилларда Белоруссиянинг 52 туманининг 208 та хўжалигида олиб борилган тадқиқотлар Витебск вилоятида қорамолларни максимал даражада 30,75 фоиз, Минск вилоятида минимал даражада 2,24 фоиз фасциола (*F.hepatica*) лар билан зарарланишини, инвазиянинг ўртача инвазия экстенсивлигини 12,97 фоизга тенг бўлишини кўрсатди. Сўнгги йилларда фасциолёз инвазиясини пасайиши кузатилмоқда. Ҳайвонларни фасциола личинкалари билан зарарланиши ёшнинг иккинчи ярмида ва кузда рўй беради. Ушбу мамлакатда лосларни 56,8 фоизи парафасциолопсоз кўзғатувчиси билан зарарланганлиги аниқланган [22].

Татаристон Республикасида йирик шохли молларнинг фасциолёз билан зарарланиши 26,9 %, дикроцелия билан 35,4 %, ошқозон-ичак стронгилятлари билан зарарланиш 46,7 %, мониезия билан зарарланиш эса 13,4 % ни ташкил қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд, шунингдек 1993 – 1997 йилларда

хайвонларнинг гельминтлар билан зарарланиши 10 – 30 фоизгача камайганлиги ҳақида маълумот берилган [2].

Муаллифнинг қайд этишига кўра, 1989, 2000, 2001 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида олиб борилган махсус тадқиқотларида, қорамолларда парамфистоматоматларнинг 3 тури - *P.ichikawai*, *S.calicophorum*, *G.crumenifer* ларнинг учраши, қорамолларнинг 16,0% гастротилияксозга, 12,1% парамфистомозга, 9,2% каликофозга чалинганлиги ҳақида маълумот берган. Шу билан бирга 2000 - йилги адабиёт маълумотларида, Орол бўйи минтақасида қорамолларнинг 4,6%, қўйларнинг 2,6% парамфистоматозларга (*G.crumenifer*) чалинганлиги кўрсатилган [6; 7].

Россия Федерациясининг Иркутский вилоятининг шимолий туманларидан ташқари барча ҳудудларида қорамоллар орасида фасциолёз кенг тарқалган бўлиб, вилоятда инвазия экстенсивлиги ўртача 23,5 фоизни ташкил этиб, инвазия интенсивлиги ҳар бош ҳисобига ўртача 25,0 нусхани ташкил этган. Энг юқори инвазия экстенсивлик даражаси 8-12 ёшли қорамолларда кузатилиб, инвазия экстенсивлиги 61,0 фоизни ташкил этган. Айни вақтда бир ёшгача бўлган ёш бузоқ ва таналарда 7,6 фоизни ташкил этган. Инвазия экстенсивлигини йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич куз-қиш ойларига тўғри келиши қайд этилган [16].

Россия Федерациясида 1990-2012 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра гельминтозлар бўйича эпизоотологик ҳолат аста-секинлик билан ёмонлашиб бораётганлиги кўзга ташланган. Муаллифнинг таъкидлашича, эпизоотик ҳолат асосан «Яйлов» гельминтозлари ҳисобига ошиб бормоқда. Касалликни тарқалиши учун энг қулай давр ёз фасли қайд этилган. 2009-2011 йилларда фасциолёзга қарши 3,3 млн бош қорамол гельминтизация қилинган, 20 млн бош қорамол фасциолёзга чалинганлиги аниқланган [3; 4].

Ўзбекистоннинг турли биогенезларида олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлилига кўра умуртқалиларда 186 тур трематодалар паразитлик қилиши аниқланган. Шундан: балиқлар синфида 30 тур, амфибиялар синфида 14 тур, рептилиялар синфида 2 тур, қушлар синфида 113 тур ва сут эмизувчилар синфида 27 турдаги трематодлар аниқланган [17; 20].

Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган Самарқанд вилояти ҳамда республиканинг шимолий – шарқий қисмида жойлашган Сирдарё вилоятининг қорамолчилик хўжаликларида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Самарқанд вилояти шароитида боқилган қорамолларнинг 58,8 фоизи, Сирдарё вилоятида текширилган қорамолларнинг эса 46,4 фоизида фасциолёз топилган бўлса, ушбу қорамолларнинг парамфистоматозлар билан зарарланиш даражаси ўз навбатида 66,4 фоизни, Сирдарё вилоятида эса 37,9 фоизни ташкил этган [5].

Самарқанд вилояти шароитида мажбурий сўйилган қорамолларнинг жигар трематодозларидан *F.gigantica* нинг инвазия экстенсивлиги ўртача 66,0 фоизни, *F.hepatica* эса 92,3 фоизини ташкил қилган, тоғолди-тоғ биогенезларида боқилган қорамолларда эса ўз навбатида *F.gigantica* 36,6 фоизини, *F.hepatica* 96,3 фоизини ташкил этган [18].

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ҳудудларидаги бир неча биоценозларда 2007 йил ёз, куз ойларида ва қишнинг бошида доимий равишда ушланган барча қорамоллар ва қўйларнинг таъкидланган 3 турга мансуб жигар ва 3 турга мансуб ошқозон ичак трематода (*F.gigantica*, *F.hepatica*, *D.lanceatum* ва *Calicophoron colicophorum*, *Gastrothylax crumeniferi* ва *Liorchis scotae*) лари кучли даражада зарарланганлиги, улар томонидан чақириладиган аралаш инвазион касалликларнинг ўткир оқими ўтиши натижасида кўплаб бош ҳайвонлар ҳам талофатга учраганлиги аниқланган. Текширишларимизга кўра ушбу ҳудудда *F.gigantica* нинг оралиқ хўжайинларига мансуб 3 тур моллюскалар *L.auricularia*, *L.bactriana*, *L.subdisjuncta*. *F.hepatica* нинг оралиқ хўжайини, *L.truncatula*, *Paramfistomatid* нинг оралиқ хўжайини *X.candaxarica* учрашини, улар эса паразитларнинг личинкалари билан етарлича зарарланганлиги аниқланган. Зарафшон дарёсининг ўрта оқими бўйлаб жигар ва ошқозон-ичак трематодалари ареали кенгайиб бормоқда. Уларнинг янги ўчоқлари кучайиб ва кенгайиб бориши кузатилмоқда [19].

**Хулоса.** Таҳлил қилинган адабиёт маълумотларига кўра, трематодозлар нафақат Республикамиз ҳудудида, балки МДХ ва хорижий мамлакатларида кенг тарқалиб бораётганлигидан далолат беради. Вазифа соҳа мутахассисларини бу соҳага кенг жалб қилиб, касалликни олдини олишга қаратилган режали даволаш ва профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб бориш зарур деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедрабаданов, Х.А. Динамика зараженности парамфистомами и дикроцелиями жвачных разного возраста в условиях Дагестана //Х.А.Ахмедрабаданов // Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями: Материалы докладов научной конференции ВИГИС. – М. – 2008 б. – С. 31-33.
2. Волков А.Х., Сафиулин Р.Т. Гельминтозы крупного рогатого скота Республики Татарстан. //Ветеринария.- 2000.- №1.-С. 30-31
3. Горохов В.В. Прогноз эпизоотической ситуации в Российской Федерации по основным гельминтозам животных. // Российский паразитологический журнал. - 2013. - № 4. - С. 57-59.
4. Горохов В.В. Фасцилез как экологическая проблема. // Ветеринария. - 2000. - №3. - С. 8 - 12.
5. Даминов А.С. “Республиканинг турли биогеоценозларида қорамоллар трематодозларининг эпизоотологик ва иммунологик хусусиятлари”. Вет.фан.док. ...., дисс. Самарқанд: СамВМИ, 2016. - 200 б.
6. Кожабоев М. «Ассоциация инвазия трематода крупного рогатого скота «Приаралья». //Автореферат.дисс. канд. биол. наук. Институт Зоологии Ан.Уз 2001. -С. 24.
7. Кожабоев М.К. другие. «Биология возбудителя и эпизоотологии ориентобильгорциоизы животных». Тезисы науч. конф. «Гельминтология сегодня, проблемы и перспективы». Москва, 1989. -С. 158.

8. Кумышева, Ю.А. Морфологическая характеристика говядины при дикроцелиозе крупного рогатого скота / Ю.А. Кумышева, А.М. Мазихова // Вестник КрасГАУ. - 2009. - №5. – С.122-125.
9. Курочкина, М.В. Влияние гельминтов на иммунный статус крупного рогатого скота и профилактика гельминтозов в Госплемзаводах Центрального района Нечерноземной зоны РФ: автореф. дис. ... канд. вет. наук: 03.00.19, 16.00.03 / Курочкина Марина Викторовна. – Иваново, 2003. – 18 с.
10. Лошкарева, В.В. Маритогония трематод у крупного рогатого скота и оптимизация сроков применения ангельминтиков в условиях Среднего Предуралья: автореф. дис. ... канд. вет. наук: 03.00.19 / Лошкарева Валентина Владимировна. – М, 2005. – 25 с.
11. Мкртчян М.Э. Трематодозы крупного рогатого скота в хозяйствах Удмуртской республики (эпизоотология, патогенез и меры борьбы) Автореф. дисс. докт. вет. наук - Москва: 2016. - с. 70
12. Муромцев, А.Б. Эпизоотология, лечение и профилактика парамфистомидозов жвачных и диких копытных животных в Калининградской области / А.Б. Муромцев // Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями: Материалы докладов научной конференции ВИГИС. – М. – 2008. – С. 303-306
13. Обремский, А.Л. О гельминтозах крупного рогатого скота в Краснодарском крае / А.Л. Обремский // Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями: Материалы докладов научной конференции ВИГИС. – М. – 2006. – С. 280-282.
14. Подлесный, Г.В. Экономический ущерб при лиорхозе крупного рогатого скота / Г.В. Подлесный // Ветеринария. – 1960. – № 5. – С. 18-19.
15. Поцхверия, Ш.О. К вопросам эпизоотологии и терапии парамфистомидозов в Грузии / Ш.О. Поцхверия // Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями: Материалы докладов научной конференции ВИГИС. – М. – 2001. – С. 205-207.
16. Репетун В.В. Биологические основы профилактики фасциолеза крупного рогатого скота Прибайкалья: дисс. канд. биол. наук: - Тюмень, 2005. - 150 с.
17. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. Тошкент, "Фан", 1975. - 186 с.,
18. Уроков К.Х., Самарқанд вилояти шароитида қорамоллар фасциолёзи ва дикроцелиозини эхинококкоз билан аралаш кечиши. // Автореф. дис.в.ф.ф.док. ..., Самарқанд, 2022. -12 б.
19. Хайдаров У. «Коликофроз крупного рогатого скота в Узбекистане». //Автореферат.дисс. кан. вет наук. Самарканд. СамСХИ, 1974. -С. 17.;
20. Шакарбоев Э.Б., Шакарбоев У.А., Дадаев С.Д., Махамадиев З.С. Жиззах вилоятининг турли минтақаларида қўйлар гельминтозларининг фаунаси ва экологияси. //Зооветеринария. - Тошкент, 2015. №6. - Б.17-19.